

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ ФАРРУХ УЛУГБЕКОВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРИНОЁҚЛИ МОЛЛЮСКАЛАРИ
(*MOLLUSCA: GASTROPODA*)НИНГ ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)

Умаров Фаррух Улугбекович

Фарғона водийси қориноёқли моллюскалари

*(Mollusca: Gastropoda)*нинг экологияси..... 3

Умаров Фаррух Улугбекович

Экология брюхоногих моллюсков (*Mollusca: Gastropoda*)

Ферганской долины..... 21

Umarov Farrukh Ulugbekovich

Ecology of gastropods (*Mollusca: Gastropoda*) of the Fergana Valley..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ ФАРРУХ УЛУГБЕКОВИЧ

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРИНОЎҚЛИ МОЛЛЮСКАЛАРИ
(*MOLLUSCA: GASTROPODA*)НИНГ ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2022

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/В470 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Пазилов Абдуваент биология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Алимжанова Холисхон биология фанлари доктори, профессор Иzzатуллаев Зувайдулло биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/27.02.2020.В.01.15 рақамли Илмий кенгашининг 2022 йил «09» феврал куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Биология факультети биноси, 2-қават, 203-хона. Тел.:(+99871) 246-67-72).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (156 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: +99871 246-67-72).

Диссертация автореферати 2022 йил «27» январ куни тарқатилди.
(2022 йил «27» январдаги 8 рақамли реестр баённомаси)



Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, биология фанлари доктори, профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, биология фанлари номзоди, доцент

Рахимова Ташханим Тўймухамедовна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда биохилма-хилликни сақлаш, экотизим барқарорлигини таъминлаш бугунги кунда глобал муаммо ҳисобланади. Антропоген омиллар таъсирида атроф-муҳитнинг ўзгариши биологик хилма-хилликнинг йўқолишига, жумладан, ҳайвонот дунёси ресурслари хилма-хиллигининг камайишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра, табиий сув ҳавзаларида ва қурукликда тарқалган моллюскаларнинг тур таркибини аниқлаш, уларнинг популяцияларига таъсир қилаётган омилларни белгилаш, камёб ва эндемик турларни сақлаб қолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда турли табиий экологик муҳитларда тарқалган моллюскаларни сақлаб қолиш замирида турларни фаунистик таҳлил қилиш, уларнинг табиий-географик тарқалиши, биотоп хусусиятларига боғлиқ тақсимланиши, экологик хусусиятлари, моллюскаларда юз берадиган ўзгарувчанлик сабаблари, камёб ва йўқолиб кетиш арафасидаги турларини сақлаб қолишга оид илмий-тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш лозимки, қориноёқли моллюскалар дунё малакофаунасида 37 мингдан зиёд турларни ўз ичига олувчи ҳамда табиий экотизимлар ва шу билан биргаликда, инсон томонидан ўзлаштирилган ҳудудларда энг кенг тарқалган умуртқасиз ҳайвонлар ҳисобланади. Бу ўринда, қориноёқли моллюскалар вакилларининг турли сув типлари, чўл, адир, тоғ минтақалари ва урбанлашган ҳудудларда яшовчанлиги ҳамда хилма-хил стацияларга мослашувчанлигини ҳисобга олган ҳолда моллюска популяцияларидаги ўзгаришларни изоҳлаш, ҳудудлар кесимида биохилма-хилликни, камёб ва эндемик турларни аниқлаш, уларни тарқалиши бўйича геоахборот маълумотларни шакллантириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирда республикамызда ҳайвонот дунёси биохилма-хиллигини сақлаш, экотизим барқарорлигини таъминлаш борасида муайян ютуқларга эришилди. Бу борада, табиий экотизимлар барқарорлигини таъминлаш, ҳайвонларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Хусусан, 2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясида¹ “...биологик хилма-хилликни сақлаш ва ундан барқарор фойдаланишни таъминлаш, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларни ривожлантириш ва кенгайтириш, табиий экологик тизимларнинг таназзулга учраш суръатларини пасайтириш, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг камёб ва йўқолиб бораётган турларини қайта тиклаш” вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Фарғона водийси қориноёқли моллюскаларининг биохилма-хиллигини аниқлаш, улар тарқалишига абиотик омилларнинг таъсирини баҳолаш, камёб, эндемик ва муҳофазага муҳтож турларни сақлаб қолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 11 июндаги 484-сон қарори.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” 2016 йил 19 сентябрдаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “1992 йилда Рио-де-Жанейрода имзоланган Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида” 1995 йил 6 майдаги 82-І-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида” 2018 йил 7 ноябрдаги 914-сон ва “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 11 июндаги 484-сон қарорлари, шунинг билан бирга мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қориноёқли моллюскаларининг таксономик таркиби, биологияси, экологияси, уларда берадиган ўзгарувчанлик жараёнлари, ҳудудлар бўйича тарқалиши ва уларни муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотлар хориж олимлари А.Wiktor (2000), К.Szybiak (2000), J.Virbickas (2002), Т.D.Robert (2004), P.Glöer, I.Sirbu (2006), К.Skowrońska-Ochmann, P.Cuber, I.Lewin (2012), А.D.Robert (2013) ишларида ўз ифодасини топган.

МДҲ мамлакатлари олимларидан А.Байдашников (1992), С.Крамаренко (1993, 1994), И.Хохуткин (1997), А.Кузнецов (1999), Ю.Сачкова (2000, 2001, 2002), Е.Лазуткина (2003), А.Шилейко, Т.Рымжанов (2013), С.Андреева, М.Винарский, Н.Потапова (2017), Т.Sitnikova, А.Sysoev, P.Kijashko (2017), М.Vinarski, D.Palatov, V.Marinskiy (2017) томонидан моллюскаларнинг систематикаси, биологияси, популяцияси ва тарқалишига оид тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ўзбекистонда малакологик тадқиқотлар Д.Даминова (2002), А.Пазиллов ва Д.Азимов (2003), А.Пазиллов (2006), Х.Боймуродов (2017), Ф.Гаибназарова (2017), З.Иззатуллаев (2018, 2019), А.Каримкулов (2011), Ж.Қудратов (2018), Ш.Абдулазизова (2019), З.Махмуджонов (2021) ва бошқаларнинг илмий изланишларида акс этган бўлиб, уларда, асосан, моллюскаларининг таксономияси, эволюцияси, хўжалик аҳамияти бўйича изланишлар олиб борилган. Лекин, ушбу тадқиқот ишларида Фарғона водийси қориноёқли моллюскалари тур таркибининг замонавий ҳолати, биотоплар бўйича тарқалиши, моллюскаларда юз берадиган ўзгарувчанлик жараёнлари, абиотик омилларнинг моллюскаларни тарқалишига таъсири, камёб ва эндемик турлар

ҳамда уларни сақлаб қолиш чоралари бўйича тўлиқ маълумотларни акс эттирувчи илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган. Шунга кўра, Фарғона водийси ҳудудида тарқалган қориноёқли моллюскаларнинг экологиясини ўрганиш, камёб ва эндем турларни аниқлаш ҳамда уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университетининг “2019-2030 йилларда илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури” доирасида (2019-2021) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Фарғона водийси ҳудудида тарқалган қориноёқли моллюскаларининг экологиясини очиб бериш, камёб турларни аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона водийси қориноёқли моллюскаларининг тур таркибини аниқлаш ва замонавий ҳолатини баҳолаш;

сув ҳавзалари ва баландлик минтақаларидаги турли биотопларда қориноёқли моллюскаларнинг тарқалишини таҳлил қилиш;

қориноёқли моллюскаларнинг тарқалиш ҳудудлари бўйича биохилма-хиллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

қориноёқли моллюскаларни биотоп ва станция хусусиятларига кўра экологик гуруҳларга ажратиш;

абиотик омилларнинг қориноёқли моллюскаларга таъсирини ўрганиш;

сувнинг органик ифлосланиш (сапроблик) даражасини белгилашда қориноёқли моллюскаларнинг индикаторлик хусусиятини тадқиқ этиш;

камёб ва муҳофазага муҳтож турлар таркибини аниқлаш, уларни ҳимоялашга оид тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда тарқалиш хариталарини тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона водийсида тарқалган сув ва қуруқлик қориноёқли моллюскалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Фарғона водийси қориноёқли моллюскаларининг таксономияси, экологик хусусиятлари, биохилма-хиллик кўрсаткичлари ва конхологик ўзгарувчанлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажаришда умумий қабул қилинган экологик, зоологик, гидробиологик, морфометрик, статистик ва киёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Фарғона водийси ҳудудида сув қориноёқли моллюскаларнинг 29 тури, қуруқлик моллюскаларининг 34 туридан иборат таксономик рўйхати тузилган ҳамда фан учун 1 тур (*Pseudonapaeus kuchbayvi*) ва тадқиқот ҳудуди фаунаси учун 5 тур (*Acroloxus lacustris*, *Fruticicola perlucens*, *Monacha cartusiana*, *Macrochlamys schmidti*, *Helix lucorum*) аниқланган;

сув ҳавзалари ва баландлик минтақаларидаги турли биотопларда қориноёқли моллюскаларнинг тақсимланиш хусусиятлари очиб берилган; моллюскаларни биотоп ва стация мослашувчанлигига кўра экологик гуруҳларга ажратилган;

илк бор Фарғона водийсида қориноёқли моллюскаларининг Шеннон индекси бўйича биохилма-хиллик кўрсаткичлари аниқланган;

абиотик омилларнинг қориноёқли моллюскалар тарқалишига ва улардаги конхологик ўзгарувчанликка таъсири исботланган;

сувларнинг сапроблик даражасини белгилашда қориноёқли моллюскаларнинг индикаторлик хусусиятлари очиб берилган;

муҳофазага муҳтож моллюскаларнинг чекловчи омиллари исботланган ва уларни муҳофаза қилишга оид тавсиялар ҳамда тарқалиши бўйича геоахборот маълумотлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

муҳофазага муҳтож *Kainarella likharevi*, *Martensamnicola brevicula*, *M. hissarica*, *Bucharamnicola bucharica*, *Sogdamnicola pallida*, *Acroloxus lacustris*, *Pseudonapaeus errans*, *Ps. retrodens*, *Ps. kuchbayvi*, *Leucozonella crassicosta*, *Archaica khazratishahica* популяцияларининг замонавий ҳолати баҳоланган ва уларни сақлаб қолиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўрганилган 63 тур қориноёқли моллюскаларнинг геоахборот маълумотлари тузилиб, улар асосида худудлар зооценозларининг популяцион кўрсаткичларини аниқлаш самарадорлиги исботланган.

моллюскаларнинг сув ҳавзаларидаги индикаторлик хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган экологик, малакологик, зоологик, гидробиологик усул ва ёндошувлар асосида олинган тажриба натижаларини назарий маълумотларга мос келиши, морфометрик маълумотларни “TIBCO Software Statistica 13.5” дастури асосида статистик таҳлил қилинганлиги, диссертация натижаларини етакчи хорижий журналларда чоп этилганлиги ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, Фарғона водийси қориноёқли моллюскаларининг тур таркибини аниқланганлиги, экологик гуруҳлари, биотоплар бўйича тарқалишини таҳлил қилинганлиги, абиотик омиллар таъсирида қориноёқли моллюскалардаги конхологик ўзгарувчанлик сабабларини аниқланганлиги, биохилма-хиллик ва организм кўрсаткичларига абиотик омиллар таъсирининг очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, чучук сув ҳавзаларида яшайдиган Lymnaeidae, Physidae ва Planorbidae оилаларига мансуб моллюска турларининг индикаторлик хусусиятлари орқали сувларнинг сапроблик даражасини аниқлаш ва уларни экологик баҳолашда хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийси қориноёкли моллюскаларининг экологияси, тарқалиши ва биохилма-хиллигини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Фарғона водийси қориноёкли моллюскаларининг тарқалиш ҳудудлари, муҳофазага муҳтож турларининг популяцион ҳолати ва уларни сақлаб қолиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Андижон вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Хўжаобод тумани инспекциясининг фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг 2021 йил 4 октябрдаги 10-11/1-сон маълумотномаси). Натижада, Хўжаобод туманида тарқалган қуруқлик моллюскаларининг тур таркибини аниқлаш, уларнинг геоахборот маълумотларини шакллантириш, табиий экосистемаларда биохилма-хилликни ва ноёб моллюска турларини сақлаб қолиш ҳамда ҳайвонот дунёси давлат кадастрини юритиш имконини берган;

Lymnaeidae, Physidae ва Planorbidae оилаларига мансуб сув қориноёкли моллюска турларининг индикаторлик хусусиятлари асосида сув ҳавзаларининг сапроблик даражасини аниқлаш бўйича тавсиялар Андижон вилоятининг Улуғнор туманидаги «Bahridin Ota Xon Balig'i» балиқчилик фермер хўжалиги фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 14 октябрдаги 03-02/8-1590-сон маълумотномаси). Натижада, балиқ ҳовузларидаги сувларни сапроблик даражасини аниқлаш ва экологик баҳолаш имконини берган;

Фарғона водийси қориноёкли моллюскаларининг тарқалиши тўғрисидаги геоахборот маълумотлар ва ноёб моллюска турларини сақлаб қолиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Андижон давлат ўрмон хўжалигининг “Шерқўрғон”, “Имом ота” ва “Лўғумбек” ўрмон участкалари фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 7 октябрдаги 04/21-4066-сон маълумотномаси). Натижада, ўрмон участкаларида тарқалган қуруқлик моллюскаларининг тур таркибини аниқлаш, уларнинг геоахборот маълумотларини шакллантириш, ўрмон участкасида биохилма-хилликни ва ноёб моллюска турларини сақлаб қолиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш нашр этилган. Улардан 1 та тавсиянома, 5 та мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия қилган 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланиган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий мазмуни 117 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қориноёқли моллюскалар бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон, Марказий Осиё Республикалари, яқин ва узоқ хориж давлатларида қориноёқли моллюскаларнинг таксономияси ва экологиясига бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар таҳлили баён этилган.

Илмий манбаларда Марказий Осиё, жумладан, Фарғона водийси худудида тарқалган қориноёқли моллюскаларнинг таксономик таркиби, зоогеографиясига оид маълумотлар мавжудлигини эътироф этиш мумкин. Фарғона водийсида тарқалган қориноёқли моллюскаларга оид маълумотлар қисман ёритилган ва қарийб барча фундаментал ишлар ўтган асрнинг 80-90-йилларига тўғри келади. Шу давргача турларнинг таксономик таркиби тўғрисида ягона фикрнинг мавжуд эмаслиги, шунинг билан бир қаторда моллюскаларнинг экологияси ҳамда муҳофазага муҳтож турлар тўғрисидаги маълумотларнинг камлиги мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб берган.


Диссертациянинг **“Қориноёқли моллюскалар (*Mollusca: Gastropoda*)нинг экологиясисини ўрганиш услублари ва материаллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот худудининг табиий-географик тавсифи, материаллар ва тадқиқот усуллари баён қилинган.

Фарғона водийси моллюскаларини тадқиқ қилиш 2016-2021 йиллар давомида олиб борилди. Тадқиқот материаллари Фарғона водийсининг турли сув типларидан: дарёлар, сойлар, кўллар, булоқлар, сув омборлари, каналлар ва ариқлардан; қуруқликдан: чўл, адир, тоғ олди ва тоғ худудларидан жами мингга яқин намуналар олинди, йиғилган моллюскалар сони 9000 дан ортиқни ташкил қилади (1-расм). Материалларни териш вертикал минтақалар бўйлаб маршрутли амалга оширилди. Стационар кузатув ва амалий тажрибалар Қиртоштов, Чилустун тоғларида (Олой тизмаси) ҳамда Тешиктош адирларининг шимолий ёнбағрида олиб борилди.

Йиғилган материалларни Гулистон давлат университети қошидаги “Экспериментал биология” ва Андижон давлат университетининг Экология ва ботаника кафедраси лабораторияларида тур даражасигача аниқланди. Бунда А.Шилейко (1978, 1984), А.Пазилов ва Д.Азимов (2003), Я.Старобогатов (2004), З.Иззатуллаев (2019) аниқлагичларидан фойдаланилди.

Моллюскаларни экологик жиҳатдан ўрганишда Т.Роберт (2004), А.Стадиченко (2006), А.Пазилов (2005), Д.Филиппенко (2011), М.Винарский

ва Е.Сербина (2012), С.Крамаренко (2014), З.Иззатуллаев (2018) ҳамда уларда борадиган умумий ўзгарувчанликни қиёсий тавсифлашда Н.Ростова (1978), К.Увалиева (1990), И.Хохуткин ва М.Винарский (2013) методларидан фойдаланилган.



1-расм. Фарғона водийси табиий харитаси ва материал терилган пунктлар (● – сув моллюскалари, ● – қуруқлик моллюскалари)

Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили ва диаграммлар “TIBCO Software Statistica 13.5” дастурида бажарилган.

Диссертациянинг “**Фарғона водийси қориноёқли моллюскаларининг тур таркиби ва уларни биотопларда тарқалиши**” деб номланган учинчи бобида қориноёқли моллюскаларининг тур таркиби, турли биотоплар бўйича тарқалиш хариталари ва экологик тавсифи ёритилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, Фарғона водийсида сув қориноёқли моллюскаларининг 2 кенжа синф, 6 оила, 14 авлодга мансуб 29 тури ва қуруқлик моллюскаларининг 1 кенжа синф, 13 оила, 17 авлодга мансуб 34 тури тарқалганлиги аниқланган. Қуйида систематика ва номенклатуранинг замонавий талаблари асосида турларнинг таксономик рўйхати (! - фан учун янги тур; * - ҳудуд фаунасидаги янги турлар) келтирилган:

Mollusca – тип

Gastropoda Cuvier, 1795 – синфи

Сув қориноёқли моллюскалари:

Pectinibranchia Blainville, 1814 – кенжа синфи

Littorinimorpha Golikov et Starobogatov, 1975 – туркуми

Cochliopidae Tryon, 1866 – оиласи

***Kainarella* Starobogatov, 1972 – авлоди: 1. *K. likharevi* Izzatullaev, 1979**

Hydrobiidae Stimpson, 1865 – оиласи

***Martensamnicola* Izzatullaev, Sitnikova et Starobogatov, 1985 – авлоди:**

2. *M. brevicula* (Martens, 1874). 3. *M. hissarica* (Zhadin, 1950); ***Bucharamnicola***

Izzatullayev, Sitnikova et Starobogatov, 1985 – авлоди: 4. *B. bucharica* (Zhadin,

1952); ***Sogdamnicola* Izzatullaev, Sitnikova et Starobogatov, 1984 – авлоди:**

5. *S. pallida* (von Martens, 1874); *Valvatamnicola* Izzatullaev, Sitnikova et Starobogatov, 1984 – авлоди: 6. *V. archangelskii* (Zhadin, 1952). 7. *V. schahimardanica* Izzatullaev, 1984

Pulmonata Cuvier, 1814 – кенжа синфи

Hygrophila Férussac, 1822 – туркуми

Acroloxidae Thiele, 1931 – оиласи

Acroloxus Beck, 1838 – авлоди: 8. *Ac. lacustris* (Linnaeus, 1758)*

Lymnaeidae Rafinesque, 1815 – оиласи

Lymnaea Lamack, 1799 – авлоди: 9. *L. stagnalis* (Linnaeus, 1758). 10. *L. goupili* (A. Moquin-Tandon, 1856). 11. *L. subdisjuncta* (G. Nevill, 1878). 12. *L. tengriana* Izzatullaev, Kruglov et Starobogatov, 1983. 13. *L. subangulata* Roffiaen, 1868. 14. *L. rectilabrum* (Annandale et Prashad, 1919); *Galba* Schrank, 1803 – авлоди: 15. *G. truncatula* (O.F.Müller, 1774). 16. *G. bowelli* (Preston, 1909); *Radix* Montfort, 1810 – авлоди: 17. *R. auricularia* (Linnaeus, 1758). 18. *R. bactriana* (Hutton, 1849); *Ampullaceana* Servain, 1882 – авлоди: 19. *A. fontinalis* (Studer, 1820). 20. *A. lagotis* (Schrank, 1803)

Physidae Fitzinger, 1833 – оиласи

Physella Haldeman, 1842 – авлоди: 21. *Ph. acuta* (Draparnaud, 1805). 22. *Ph. integra* (Haldeman, 1841)

Planorbidae Rafinesque, 1815 – оиласи

Planorbella Haldeman, 1843 – авлоди: 23. *P. duryi* (Wetherby, 1879); *Planorbis* O.F.Müller, 1773 – авлоди: 24. *Pl. planorbis* (Linnaeus, 1758). 25. *Pl. tangitarenensis* Germain, 1918; *Gyraulus* Charpentier, 1837 – авлоди: 26. *Gy. acronicus* (Férussac, 1807). 27. *Gy. albus* (O. F. Müller, 1774). 28. *Gy. convexiusculus* (T. Hutton, 1849). 29. *Gy. ladacensis* (Nevill, 1878)

Қуруқлик моллюскалари:

Pulmonata Cuvier, 1814 – кенжа синфи

Stylommatophora A. Schmidt, 1855 – туркум

Helicina Rafinesque, 1815 – кенжа туркуми

Cochlicopidae Pilsbry, 1900 – оиласи

Cochlicopa A. Férussac, 1821 – авлоди: 1. *C. nitens* (Gallenstein, 1848). 2. *C. lubricella* (Porro, 1838). 3. *C. lubrica* (O. F. Müller, 1774)

Orculidae Pilsbry, 1918 – оиласи

Sphyradium Charpentier, 1837 – авлоди: 4. *Sp. doliolum* (Bruguière, 1792)

Valloniidae Morse, 1864 – оиласи

Vallonia Risso, 1826 – авлоди: 5. *V. costata* (O. F. Müller, 1774). 6. *V. pulchella* (O. F. Müller, 1774)

Pupillidae W. Turton, 1831 – оиласи

Pupilla J. Fleming, 1828 – авлоди: 7. *P. bigranata* (Rossmässler, 1839). 8. *P. muscorum* (Linnaeus, 1758)

Enidae B. B. Woodward, 1903 (1880) – оиласи

Pseudonapaeus Westerlund, 1887 – авлоди: 9. *Ps. albiplicatus* (E. von Martens, 1874). 10. *Ps. errans* (Westerlund, 1891). 11. *Ps. retrodens* (Westerlund, 1896). 12. *Ps. sogdianus* (Martens, 1874). 13. (!) *Ps. kuchbayvi* Pazilov, Qudratov et Umarov, 2020

Bradybaenidae Pilsbry, 1895 – оиласи

Fruticicola Held, 1838 – авлоди: 14. *F. perlucens* (Rosen, 1901)*. 15. *F. phaeozona* (Martens, 1874). 16. *F. alaica* (Kuznetsov, 1998)

Hygromiidae Tryon, 1866 – оиласи

Leucozonella Lindholm, 1927 – авлоди: 17. *L. ferghanica* (Lindholm, 1927). 18. *L. mesoleuca* (Martens, 1882). 19. *L. globuliformis* (Lindholm, 1931). 20. *L. hypophaea* (Lindholm, 1927). 21. *L. crassicosta* Schileyko, 1978; *Xeropicta* Monterosato, 1892 – авлоди: 22. *X. candaharica* (L.Pfeiffer, 1846); *Archaica* Schileyko, 1970 – авлоди: 23. *Ar. khazratishahica* Pazilov, Qudratov et Makhmudjonov, 2019; *Monacha* Fitzinger, 1833 – авлоди: 24. *M. cartusiana* (O.F.Müller, 1774)*; *Angiomphalia* Schileyko, 1978 – авлоди: 25. *An. regeliana* (Martens, 1882).

Agriolimacidae H. Wagner, 1935 – оиласи

Deroceras Rafinesque, 1820 – авлоди: 26. *D. laeve* (O.F.Müller, 1774). 27. *D. sturanyi* (Simroth, 1894). 28. *D. caucasicum* (Simroth, 1901)

Parmacellidae P. Fischer, 1856 (1855) – оиласи

Candaharia Godwin-Austen, 1888 – авлоди: 29. *C. levanderi* (Simroth, 1901)

Ariophantidae Godwin-Austen, 1883 – оиласи

Macrochlamys Gray, 1847 – авлоди: 30. *M. sogdiana* (Martens, 1871). 31. *M. schmidti* Brancsik, 1891*

Gastrodontidae Tryon, 1866 – оиласи

Zonitoides Lehmann, 1862 – авлоди: 32. *Z. nitidus* (O.F.Müller, 1774)

Succineidae Beck, 1837 – оиласи

Oxyloma Westerlund, 1885 – авлоди: 33. *O. elegans* (Risso, 1826)

Helicidae Rafinesque, 1815 – оиласи

Helix Linnaeus, 1758 – авлоди: 34. *H. lucorum* Linnaeus, 1758*


Изланишлар давомида, Фарғона водийси 1 та фан учун янги тур – *Pseudonapaeus kuchbayvi* Pazilov, Qudratov et Umarov, 2020 ва тадқиқот ҳудуди фаунаси *Acroloxus lacustris*, *Fruticicola perlucens*, *Monacha cartusiana*, *Macrochlamys schmidti* ва *Helix lucorum* турлари билан бойитилган. Бу турларнинг барчаси тўғрисида диссертация ишида батафсил маълумот келтирилган.

Диссертация ишининг тўртинчи боби “Абиотик омилларнинг қориноёкли моллюскаларга таъсири ва уларнинг экологик хусусиятлари” деб номланиб, унда сув ва куруқлик моллюскаларига айрим абиотик омилларнинг таъсири, уларнинг мослашувларига кўра экологик гуруҳлари, моллюскаларда юз берадиган конхологик ўзгарувчанлик сабаблари, сув моллюскаларининг индикаторлик хусусиятлари ҳамда турли сув типлари ва минтақаларда моллюскаларнинг биохилма-хиллик (*H'*) кўрсаткичлари таҳлили бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари ёритилган.

Моллюскаларнинг яшаши, ривожланиши ва кўпайиши учун энг кучли таъсир ўтказувчи абиотик омиллардан бири – сувнинг рН кўрсаткичи ҳисобланади. Шу сабабдан, Lymnaeidae ва Physidae оилаларига мансуб

моллюскаларга мазкур абиотик омилнинг таъсири табиий ва лаборатория шароитларида текширилди (2-расм).

Натижаларга кўра, Фарғона водийсида тарқалган Lymnaeidae ва Physidae оилаларига мансуб моллюскалар сув рН-муҳитининг 5,1-10 оралиғида оптимал яшовчанликни намоён қилди. Сувнинг рН-муҳитига нисбатан *L. stagnalis*, *A. fontinalis*, *Ph. acuta* кенг диапазонда ҳамда *L. goupili*, *L. tengriana*, *L. rectilabrum* ва *R. bactriana* турлари тор диапазонда чидамлик намоён қилиши кузатилди. Ушбу омил моллюскаларни сув типлари бўйича тарқалишига ўз таъсирини ўтказган.



2-расм. Lymnaeidae ва Physidae оилаларига мансуб моллюскаларнинг сув рН-муҳитга нисбатан оптимал кўрсаткичлари.

Сувнинг температураси – моллюскаларнинг тарқалишига, кўпайишига, нафас олишига, ҳаракатланишига ва бошқа кўплаб ҳаётий жараёнларига ўз таъсирини ўтказди. Фарғона водийси сув қориноёқли моллюскалари март-октябр ойларида ўртача температура +3...+27,7°C оралиғида бўлган сувларда ҳаёт кечириши аниқланди. Температуруга нисбатан кенг диапазонда *L. stagnalis*, *R. auricularia*, *A. lagotis*, *Ph. acuta* ҳамда *Gy. convexiusculus* ва тор диапазонда *K. likharevi*, *V. archangelskii*, *V. schahimardanica*, *L. tengriana*, *L. rectilabrum* ва *Ac. lacustris* турлари чидамликни намоён қилишлиги тадқиқотларда кузатилди.

Фарғона водийси сув қориноёқли моллюскалари ксеносапроб, олигосапроб, β – мезосапроб, α – мезосапроб ва β – полисапроб (фақат *Physella acuta*) сувларда яшайди, лекин, α – полисапроб сувларда моллюскаларнинг учрашлиги кузатилмади. Сув қориноёқли моллюскаларнинг индикатор хусусиятларига кўра булоқларда асосан ксеносапроб ва олигосапроб, дарёлар, сойлар, балиқчилик хўжалиklarининг кўллари, сув омборларида эса β-α – мезосапроб моллюска турлари яшашлиги аниқланган. Худуд сув ҳавзаларининг β-α – мезосапроб ифлосланганлари устунлик қилади. Уларда Lymnaeidae, Physidae ва Planorbidae оилаларига мансуб моллюска турлари кенг тарқалган бўлиб, шу сабабдан ушбу моллюскалардан сувларнинг сифат гуруҳларини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот олиб борилган сув ҳавзалари ўзаро сувнинг температураси, рН муҳити, оқим тезлиги, чуқурлиги, озукаларга бойлиги, тиниклиги,

минераллиги ва бошқа абиотик омиллари билан фарқланади. Ушбу омиллар моллюскалар чиғаноғининг йирик ёки кичик бўлишига таъсир ўтказади. Буни турли сув типларида тарқалган *Radix auricularia*нинг конхологик ўзгарувчанлигида яққол кўриш мумкин (1-жадвал). Натижалар бўйича булоклардан: Учбулоқ, Бақакўл, Балиқкўлда; сув омборларидан: Отчопар, Чортоқ ва Каркидонда *R.auricularia* чиғаноқ баландлиги бошқа сув ҳавзаларига нисбатан юқори эканлигини кузатилди. Ушбу сув ҳавзалари сув температурасининг мўтадиллиги (12-20°C), кўк-яшил сув ўтларининг кўплиги, сув рН-муҳитининг деярли нейтраллиги (6,9-7,4 рН), оқим ҳисобига сувнинг янгилашиб туришлиги *R.auricularia* учун оптимал шароит бўлган ва чиғаноқнинг яхши ривожланиши ҳамда йириклашишига олиб келган. Демак, ушбу сув ҳавзалари *R. auricularia* яшаши учун нисбатан оптимал бўлганлиги учун у йириклашган ва бу уларнинг чиғаноқ баландлигида намоён бўлган.

1-жадвал

***Radix auricularia*нинг турли сув ҳавзаларидаги чиғаноқ баландликлари**

Сув ҳавзаси	Материал терилган жой ва координатаси		n	Чиғаноқ баландлиги (мм)	
				max	$\bar{x} \pm m$
Булоклар					
Учбулоқ	Балиқчи т.	40°53'N 71°51'E	35	26,2	24,6 ± 1,9
Ширмонбулоқ	Булоқбоши т.	40°35'N 72°28'E	28	18,5	16,4 ± 2,2
Бақакўл	Фарғона т.	40°15'N 71°35'E	40	24,1	21,3 ± 2,8
Балиқкўл	Чортоқ т.	41°19'N 71°50'E	45	25,8	22,7 ± 3,1
Дарёлар					
Қорадарё	Андижон т.	40°52'N 72°19'E	18	22,7	19,8 ± 1,8
Оқбура	Хўжаобод т.	40°34'N 72°45'E	21	21,1	16,7 ± 2,3
Шохимардонсой	Фарғона т.	40°11'N 71°44'E	12	22,3	18,2 ± 1,2
Косонсой	Косонсой т.	41°16'N 71°32'E	14	23,4	17,6 ± 2,3
Сув омборлари					
Отчопар	Андижон т.	40°48'N 72°32'E	33	26,1	24,2 ± 1,7
Чортоқ	Чортоқ т.	41°11'N 71°49'E	48	24,6	23,1 ± 0,8
Каркидон	Қува т.	40°27'N 72°04'E	32	24,2	23,2 ± 0,7
Эскиер	Янгиқўрғон т.	41°10'N 71°42'E	16	23,1	19,4 ± 1,6

Моллюскалар у ёки бу биотоп муҳитига мослашиши натижасида уларда турли хил даражада ўзгарувчанлик намоён бўлади. Масалан, Фарғона водийсининг шимоли-шарқий қисмидаги Тешиктош адирларидаги ўсимликлар орасида яшайдиган *Angiomphalia regeliana* турининг чиғаноқлари яссилашган ва девори ўртача қалинликда бўлса, Фарғона водийсининг жанубий қисмида – Чимён қишлоғи атрофи адирликлардаги ўсимликлар орасида яшайдиган вакиллариининг чиғаноқ шакли конуссимон бўлиб, ўрамлари гумбазсимон тузилишга эга, Фарғона водийсининг жануби-шарқий қисмидаги Қиртоштов тоғлари (Олой тизмаси)да эса чиғаноқ ҳажми кичикроқ, периферик чизиклари ёрқин рангли ва чиғаноқ деворлари юпкалашган. Ўрганилган худудлардаги *A. regeliana* чиғаноғининг морфометрик параметрлари ўлчаниб, улардаги конхологик ўзгарувчанлиги ўрганилди ва ўзгарувчанлик қийматлари ҳисоб чиқилди (2-жадвал). Натижаларга кўра, 2-популяция, яъни, Фарғона водийсининг жанубий қисмида – Чимён қишлоғи

атрофидаги адирликларда тарқалган *A. regeliana*нинг чиғаноқлари бошқа популяциялардаги моллюскаларга нисбатан йирик бўлиб, энг юқори ўзгарувчанлик коэффициенти ($Cv \% 5,12$) унинг ҳажмида намоён бўлди.

2-жадвал.

***Angiomphalia regeliana* чиғаноғининг конхологик ўзгарувчанлик қийматлари ($M \pm m$, мм ҳисобида)**

Популяция	n	ЧБ	Ктд	КиД	ЧоБ	V
Тешиктош адирлари	27	12,11±0,7 $Cv \% 2,64$	16,07±0,6 $Cv \% 2,08$	13,92 ±0,9 $Cv \% 2,48$	8,35±0,8 $Cv \% 4,60$	1563,7±1,2 $Cv \% 3,54$
Чимён қишлоғи атрофи	24	14,57±0,8 $Cv \% 2,62$	19,51±0,8 $Cv \% 2,00$	16,53±0,8 $Cv \% 2,40$	10,49±0,7 $Cv \% 3,12$	2772,9±2,5 $Cv \% 5,12$
Қиртоштов тоғлари	30	13,02±0,6 $Cv \% 2,24$	17,01±0,7 $Cv \% 1,88$	14,01±0,6 $Cv \% 2,22$	8,99±0,6 $Cv \% 3,42$	1883,6±1,8 $Cv \% 4,42$

Қуруқлик моллюскаларига намлик ва ҳарорат энг кучли таъсир этувчи абиотик омиллар ҳисобланади. Масалан, *Helix lucorum* Фарғона водийсининг фақат икки ҳудудида: Тешиктош адирларининг жанубий ёнбағри (Ж. Олмушук ш.) ва Мойлисой дарёси атрофи текисликларда (Маданият қ.) тарқалган бўлиб, улар бир биридан морфометрик параметрлари ва чиғаноқ ранги билан фарқланади (3-жадвал).

3-жадвал

***Helix lucorum* чиғаноғининг конхологик ўзгарувчанлик қийматлари ($M \pm m$, мм ҳисобида)**

Популяция	n	ЧБ	Ктд	КиД	ЧоБ	V
Тешиктош адирлари	31	40,20±0,5 $Cv \% 2,74$	45,16±0,8 $Cv \% 3,14$	37,32±0,4 $Cv \% 3,10$	20,89±0,3 $Cv \% 3,44$	40999,4±9,3 $Cv \% 6,78$
Майлисой дарёси атрофи	28	33,41±0,6 $Cv \% 3,03$	35,73±0,7 $Cv \% 3,60$	29,28±0,6 $Cv \% 4,22$	16,26±0,2 $Cv \% 2,76$	21326±4,1 $Cv \% 4,21$

Жадвал (3) маълумотларига кўра Тешиктош адирларида яшайдиган *H. lucorum*нинг чиғаноқлари Майлисой дарёси атрофи текисларида яшайдиган моллюскаларга нисбатан йирик бўлиб, энг юқори ўзгарувчанлик коэффициенти ($Cv \% 6,78$) унинг ҳажмида намоён бўлди. Бундай ўзгаришларга икки ҳудуддаги ҳаво ҳарорати ва намликдаги тафовутлар сабаб бўлган.

Ҳаво ҳароратининг ортиб бориши ва ҳаво намлигининг камайиб бориши билан уларнинг чиғаноқ вазни ёки ҳажми ортиб боради. Чиғаноқ ички ҳажмининг ортиб бориши моллюска танаси вазнининг ортишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида уларга узок вақт давомида танасида кўпроқ микдорда сув сақлаш ва юқори ҳароратдан ҳамда қурғоқчиликдан сақланиш имконини берган. Моллюскалар қурғоқчиликдан ўзини химоя қилиш мақсадида шу кўринишдаги адаптация рўй берган.

Моллюскалар чиғаноқ рангининг ўзгариши ҳам атроф муҳитнинг абиотик омиллари билан боғлиқлиги тадқиқотларда кузатилди. Масалан, бир-биридан баландлиги бўйича фарқ қилувчи 3 та табиий ҳудудда: Косонсой дарёси атрофи, Шаҳрихонсой канали атрофи ва Қиртоштов тоғи ёнбағрида тарқалган *Monacha carthusiana*да чиғаноқ ранги турлича бўлиб, кенг майдонларда, текисликларда чиғаноқ оч, баландлик ва тоғли ҳудудларда нисбатан тўқ


рангда эканлиги аниқланди. Бундай ўзгаришига қуёш нурлари таъсир этган бўлиб, чиғаноқ рангини оқ ёки оч рангда бўлиши бу қуруқ континентал иқлим шароитида қуёш нурларини қайтариш учун мослашганлигидан далолат беради.

Фарғона водийси сув қориноёқли моллюскаларининг яшаш биотопларига мослашувчанлиги бўйича 7 та: кренофил (7 тур), лимно-кренофил (2 тур), мадикол (3 тур), пело-лимнофил (1 тур), тельматофил (2 тур), фито-лимнофил (1 тур), фитофил (13 тур) ҳамда стация мослашувчанлигига кўра 5 та: пелобионт (4 тур), петробионт (9 тур), фитобионт (12 тур), фито-пелобионт (2), фито-петробионт (2 тур) экологик гуруҳларига ажратилди. Худуд сув моллюскалари асосан фитофил биотопларда яшаб фитобионт стацияга мослашганлиги аниқланди.

Тадқиқот натижасида Фарғона водийси қуруқлик моллюскаларининг яшаш биотопларига мослашувчанлиги бўйича 4 та: психрофил (7 тур), мезофил (13 тур), ксеромезофил (8 тур), ксерофил (6 тур) ҳамда стация мослашувчанлигига кўра 8 та: петробионт (3 тур), сапробионт (3 тур) сапрогеобионт (3 тур), сапрорипабионт (2 тур), эпигеобионт (3 тур), эпифитобионт (7 тур), эпифитопетробионт (8 тур) ва эпифиторипабионт (5 тур) экологик гуруҳларига ажратилди. Худудда мезофилларнинг устунлиги қуруқлик моллюскаларининг намлик ўртача бўлган шароитларга мослашганлиги билан изоҳланади. Моллюскалар учун энг қулай стация, бу буталар орасидаги тошлар ости ва сув ҳавзалари яқинидаги ўсимликлар ҳисобланади.


Водий худудининг турли минтақаларида биохилма-хиллик турлича. Буни моллюскаларга таъсир этадиган атроф-муҳитнинг абиотик омилларидаги тафовутлар билан изоҳланади.

Фарғона водийси дарёларда моллюскаларнинг биохилма-хиллик индекси бир-биридан фарқ қилиши аниқланди. Дарёларда биохилма-хиллик индекси (H') 0,5-2,2 оралиғида бўлиб, энг юқори кўрсаткич Сирдарё ва Норин, энг паст кўрсаткич Мойлисой ва Қувасой дарёсида кузатилди (3-расм). Фарғона водийсининг деярли барча дарёлари Сирдарёга бориб қуйилиши, ушбу дарёда моллюскалар хилма-хиллигининг юқори бўлишига сабаб бўлган.



3-расм. Дарёлардаги сув қориноёқли моллюскаларнинг биохилма-хиллик индекси (H')


Водий дарёларига нисбатан булоқларда моллюскаларнинг турлар хилма-хиллиги юқори эканлиги аниқланди (4-расм). Бунга сабабни, булоқларга антропоген таъсирнинг камлиги, сув режимининг ва рН-муҳитининг нисбатан барқарорлиги билан изоҳлаш мумкин. Энг юқори биохилма-хиллик индекси Балиқкўл, Кўкбулоқ ва Қўшмабулоқ булоқларида бўлса, энг паст кўрсаткич Учбулоққа тўғри келиши тадқиқот давомида аниқланди.



4-расм. Булоқлардаги қориноёқли моллюскаларнинг биохилма-хиллик индекси (H')

Қуруқлик моллюскаларнинг биохилма-хиллигини аниқлашда уларнинг минтақалар бўйича тарқалиши инобатга олинди. Унга кўра чўл, адир ва тоғ минтақаларида тарқалган моллюскалар ўрганилди. Чўл минтақасида адир ва тоғ минтақаларига нисбатан моллюскаларга хос биотопларнинг камлиги, ёғингарчиликнинг озлиги, ҳароратнинг юқорилиги ва намликнинг пастлиги моллюскаларнинг кенг тарқалишига имкон бермаган бўлиб, ушбу минтақада қуруқлик моллюскаларининг 12 тури тарқалган. Адир минтақасида 23 тур ва тоғ минтақасида 30 тур моллюскалар тарқалганлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, Фарғона водийси чўл минтақасининг шимолӣй ва шимоли-ғарбий, адир минтақасининг жанубий ва жануби-шарқий, тоғ минтақасининг ғарбий, жанубий ва жануби-шарқий ҳудудларида қуруқлик моллюскаларининг биохилма-хиллиги юқори кўрсаткичда эканлиги ўрганилди (5-расм).



5-расм. Фарғона водийси чўл (А), адир (Б) ва тоғ (С) минтақаларидаги куруклик моллюскаларининг биохилма-хиллик кўрсаткичлари (H')

Диссертациянинг “Фарғона водийси камёб ва муҳофазага муҳтож қориноёқли моллюскалари” деб номланган бешинчи боб муҳофазага муҳтож турлар ва уларни сақлаб қолиш чораларига бағишланган.

Сув моллюскаларининг биоценозларга хавф солувчи омиллар – сув хавзаларини турли маиший ва кимёвий чиқиндилар билан ифлосланиши, сув гидрорежимининг бузилиши, дарёлардан шағал казиб олиниши, қирғоқларига ўзгартириш киритилиши, ер ости сувлари ва булоқларга салбий таъсир ўтказишлиши бўлса, куруклик моллюскаларига эса яшаш жойларининг бузилиши ва ўзгартирилиши, фаол қурилиш ишлари, ўрмонларни ва бутазорларни қисқартирлиши, табиий атроф-муҳитнинг ифлосланиши, тоғ жинсларини қовлаш ишлари ва рекреация каби омиллар ҳисобланади.

Моллюскаларнинг тарқалиш ҳудудлари, популяцияси ва бошқа экологик хусусиятлари ўрганилиб, сув қориноёқли моллюскаларининг 6 тури ҳамда куруклик моллюскаларининг 5 тури муҳофазага муҳтожлиги аниқланди.

Фарғона водийсида қориноёқли моллюскаларининг табиатда йўқ бўлиб кетиш хавфи ўртача даражада бўлган, заиф, қисқариб бораётган – *Pseudonapaeus retrodens*, *Leucozonella crassicosta*; табиатан камёб бўлган – *Kainarella likharevi*, *Pseudonapaeus kuchbayvi*, *Ps. errans*, *Archaica khazratishahica*; йўқ бўлиб кетиш эҳтимолига яқин бўлган – *Martensamnicola brevicula*, *M. hissarica*, *Sogdamnicola pallida*; камайиб кетишда энг кам хавф туғдираётган – *Bucharamnicola bucharica*, *Acroloxus lacustris* турлари популяцияларининг замонавий ҳолати баҳоланган ва муҳофаза чоралари ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

“Фарғона водийси қориноёқли моллюскалари (*Mollusca: Gastropoda*)нинг экологияси” мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Фарғона водийси ҳудудида сув қориноёқли моллюскаларининг 2 кенжа синф, 6 оила, 14 авлодга мансуб 29 тури ҳамда куруклик моллюскаларининг 1 кенжа синф, 13 оила, 17 авлодга мансуб 34 тури яшайди. Шундан, фан учун янги 1 тур (*Pseudonapaeus kuchbayvi*) ва Фарғона водийси фаунаси учун 5 тур (*Acroloxus lacustris*, *Fruticicola perlucens*, *Monacha cartusiana*, *Macrochlamys schmidtii*, *Helix lucorum*) қайд этилди.

2. Фарғона водийси сув экосистемаларида моллюскаларнинг биохилма-хиллик кўрсаткичлари Шеннон индекси бўйича Сирдарёда ва Норин (Фарғона водийсидан оқиб ўтувчи қисмида) дарёларида, Балиққўл, Кўкбулоқ, Кўшмабулоқ булоқларида энг юқори кўрсаткич ($H' = 2,1-2,2$), Мойлисой ва Қувасой дарёларида эса энг паст кўрсаткич ($H' = 0,5-0,8$) намоён бўлди.

3. Фарғона водийси куруклик моллюскаларини минтақалар бўйича тарқалишига кўра: чўл минтақасида 12 тур, адир минтақасида 23 тур ва тоғ минтақасида 30 тур бўлиб, уларнинг Шеннон индекси бўйича биохилма-хиллиги мос равишда $H' = 1,1; 1,6; 2,1$ кўрсаткичларни намоён қилди. Фарғона

водийсининг қуруқлик моллюскаларининг биохилма-хиллиги жануби-шарқий ва жанубий ҳудудларида энг юқори.

4. Биотоп мослашувчанлигига кўра сув моллюскалари кренофил (7 тур – 24,13 %), лимно-кренофил (2 тур – 6,9 %), мадикол (3 тур – 10,3 %), пелолимнофил (1 тур – 3,4 %), тельматофил (2 – 6,9 %), фито-лимнофил (1 тур – 3,4 %), фитофил (13 – 44,8 %) ҳамда қуруқлик моллюскалари психрофил (7 тур – 20,5 %), мезофил (13 тур – 38,3 %), ксеромезофил (8 тур 23,5 %), ксерофил (6 тур – 17,6 %) экологик гуруҳларига бўлинади.

5. Стация мослашувчанлигига кўра сув моллюскалари пелобионт (4 тур – 13,8 %), петробионт (9 – тур 31,1 %), фитобионт (12 тур – 41,3 %), фито-пелобионт (2 тур – 6,9 %), фито-петробионт (2 тур – 6,9 %) ҳамда қуруқлик моллюскалари петробионт (3 тур – 8,8 %), сапробионт (3 тур – 8,8 %), сапрогеобионт (3 тур – 8,8 %), сапрорипабионт (2 тур – 5,8 %), эпигеобионт (3 тур – 8,8 %), эпифитобионт (7 тур – 20,6 %), эпифитопетробионт (8 тур – 23,5 %) ва эпифиторипабионт (5 тур – 14,7 %) экологик гуруҳларига бўлинади.

6. Сув ҳавзаларида абиотик омиллардан: сувнинг оқим тезлиги, чуқурлиги, рН-муҳити ва температураси моллюскаларнинг тарқалишига ҳамда чиғаноқларининг микдорий ва сифат белгиларининг ўзгаришига бевосита таъсир ўтказувчи асосий омиллар саналади. Фарғона водийсида тарқалган *Lymnaeidae* ва *Physidae* оилаларига мансуб моллюскалар сув рН-муҳитининг 5,1-10 оралиғида яшовчанликни намоён қилади. Сувнинг рН муҳитига нисбатан кенг диапазонда (5,1-9,6) *Lymnaea stagnalis*, *Ampullaceana fontinalis*, *Physella acuta* ҳамда тор диапазонда (6,8-8,4) *Lymnaea goupili*, *L.tengriana*, *L. rectilabrum*, *Radix bactriana* чидамлик намоён қилди.

7. Фарғона водийси сув қориноёқли моллюскалари март-октябр ойларида ўртача +3..+27,7°C температурадаги сувларда яшайди. Температурага нисбатан кенг диапазонда *Lymnaea stagnalis*, *Radix auricularia*, *Ampullaceana lagotis*, *Physella acuta* ва *Gy. convexiusculus* ҳамда тор диапазонда *K. likharevi*, *V. archangelskii*, *V. schahimardanica*, *L. tengriana*, *L. rectilabrum* ва *Ac. lacustris* турлари чидамлик намоён қилди.

8. Қориноёқли моллюскаларининг чиғаноқ ҳажми, шакли, ранги ҳамда чиғаноқнинг кенлиги ва баландлиги ўзгарувчан бўлиб, улар яшаётган муҳитга бўлган асосий адаптив хусусиятларни таъминлайди. Ушбу конхологик ўзгарувчанлик моллюскаларнинг яшаб қолиш ва янги ҳудудларга тарқалиш имконини берган.

9. Фарғона водийси сув қориноёқли моллюскалари ксеносапроб, олигосапроб, β – мезосапроб, α – мезосапроб ва β – полисапроб сувларда яшайди ва улар орасида β-α – мезосапроблар устунлик қилади. *Lymnaeidae*, *Physidae* ва *Planorbidae* оилаларига мансуб моллюска турларидан сувларнинг сифат гуруҳларини аниқлашда фойдаланиш тавсия этилди.

10. Фарғона водийси қориноёқли моллюскаларидан 2 тур (*Pseudonapaeus retrodens*, *Leucozonella crassicosta*)ни 2(VU: D), 4 тур (*Kainarella likharevi*, *Ps. kuchbayvi*, *Ps. errans*, *Archaica khazratishahica*)ни 2(VU: R), 3 тур (*Martensamnicola brevicula*, *M. hissarica*, *Sogdamnicola*

pallida)ни 3(NT) мақоми билан Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”га киритиш тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/27.02.2020.В.01.15 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

УМАРОВ ФАРРУХ УЛУГБЕКОВИЧ

**ЭКОЛОГИЯ БРЮХОНОГИХ МОЛЛЮСКОВ (*MOLLUSCA:*
GASTROPODA) ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ**

03.00.10 – Экология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Андижан – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.2.PhD/В470.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета: (www.nuu.uz) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Пазиров Абдуваит доктор биологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Алимжанова Холисан доктор биологических наук, профессор Изатуллаев Зувайдулло доктор биологических наук, профессор
Ведущая организация:	Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «09» февраля 2022 года в «14⁰⁰» часов на заседании Научного совета DSc.03/27.02.2020.B.01.15 при Национальном университете Узбекистана ((Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, д. 4. Корпус биологического факультета Национального университета Узбекистана, 2-й этаж, комната 203. Тел.: (+99871)246-67-72)..

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под №156) (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «27» января 2022 года (реестр протокола рассылки №8 от «27» января 2022 года).



Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней д.б.н., профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич
Секретарь Ученого совета по присуждению
ученых степеней, к.б.н., доцент

Рахимова Ташханим Туймухамедовна
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.б.н., профессор

Введение (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сохранение биоразнообразия и обеспечение устойчивости экосистем в мире сегодня является глобальной проблемой. Изменения окружающей среды под воздействием антропогенных факторов приводят к утрате биоразнообразия, в том числе к уменьшению разнообразия ресурсов животного мира. Соответственно, важно определить видовой состав моллюсков, распространенных в естественных водоемах и на суше, определить факторы, влияющие на их популяцию, и разработать меры по сохранению редких и эндемичных видов имеет актуальное значение.

В мире особое внимание уделяется фаунистическому анализу видов направленное на сохранение моллюсков, которые распространены в различных природных экологических средах, их популяции в связи с природно-географическим распределением, биотопическими, экологическими характеристиками, причинами изменчивости моллюсков, исследованиям по сохранению редких и исчезающих видов. Следует отметить, что брюхоногие моллюски - самые распространенные беспозвоночные в мире, охватывающие свыше 37 тысяч видов малакофауны и природных экосистем, а также в антропогенных территориях. В связи с этим важно объяснить изменения популяции моллюсков, выявить их биоразнообразие, а также исследовать редкие виды по регионам; сформировать геоинформационные данные об их распространении с учётом устойчивости брюхоногих моллюсков в разных типах водоёмов, пустынях, холмов, в горных районах и в городских местах и их приспособляемость к различным стадиям, которое имеет необходимое научное и практическое значение.

В настоящее время наша республика добилась определенного прогресса в сохранении биоразнообразия дикой природы и обеспечение устойчивости экосистемы. В связи с этим были разработаны меры по обеспечению устойчивости природных экосистем и защите редких, эндемичных и исчезающих видов животных. В стратегии² по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан в период 2019-2028 годов определены задачи "...сохранение биологического разнообразия и обеспечение его устойчивого использования, развитие и расширение охраняемых природных территорий, снижение темпов деградации природных экологических систем, восстановления редких и находящихся под угрозой исчезновения видов животных и растений". Исходя из этих задач, важно определить видовое разнообразие брюхоногих моллюсков Ферганской долины, оценить влияние абиотических факторов по их распространению, разработать меры по сохранению редких, эндемичных и исчезающих видов, которые являются научно-практически важными.

Закон Республики Узбекистан "Об охране и использовании животного мира" от 19 сентября 2016 года, Указ Президента Республики Узбекистан от 7

² Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 июня 2019 года № 484 "Об утверждении стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы".

февраля 2017 года № УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”, Постановление Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 6 мая 1995 года № 82-I “О присоединении Республики Узбекистан к Конвенции о биологическом разнообразии, подписанной в Рио-де-Жанейро в 1992 году” и постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 ноября 2018 года № 914 “О ведении государственного учёта, учёта объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира” и от 11 июня 2019 года № 484 “Об утверждении стратегии по сохранению биологического разнообразия в Республике Узбекистан на период 2019-2028 годы”, а также другими нормативно-правовыми документами, относящихся к этой деятельности и данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнить поставленные задачи.

